


# ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

**** „III Интернационал“ колхози пахтанинг харид нархлари оширилганлиги туфайли бу йил 282 минг 689 сўм қўшимча фойда кўради * Хўжалик пахтачиликдан жами 1 миллион 320 минг сўмга яқин даромад қилади.***

**ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШДАН КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА КОЛХОЗЧИЛАР МЕҲНАТИГА ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚНИ КЎПАЙТИРИШ МАҚСАДИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ КОЛХОЗЛАР ТОМОНИДАН ДАВЛАТГА СОТИЛАЁТГАН СОВЕТ НАВЛАРИ (ЎРТА ТОЛАЛИ НАВЛАРДАН) БЎЛГАН ПАХТАНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИ 1963 ЙИЛ ҲОСИЛИДАН БОШЛАБ ЎРТА ҲИСОБДА 20 ПРОЦЕНТ ҲАМДА СОВХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТГА ТОПШИРИЛАЁТГАН ПАХТАНИНГ ТОПШИРИШ НАРХЛАРИ ЎРТА ҲИСОБДА 12 ПРОЦЕНТ ОШИРИШНИ ЗАРУР ДЕБ ТОПДИЛАР.**

**КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қароридан.**

## ҒАМХЎРЛИК РАМЗИ

СУЛУВ баҳорнинг яна бир тонги отди. Табиат гўё сутга чўмилгандай оқариб кетди. Енгил эсаётган кўклам шабадаси танга ором бахш этади. Гулга бурканган, мурғак барг ёзган дарахтларда бири бирига гал бермай сайраётган жажжи қушлар наъмаси тонгги ширин дақиқаларни яна ҳам тотли, яна ҳам илҳомбахш қилиб юборган.

Бригадир Ҳаво опа Дебердиева ана шу паллада уйидан чиқди-да, дала томон йўл олди. Йўл чеккасидаги симёғочга ўрнатилган кумушранг радиокарнайидан эшитилаётган сўзлар шаҳдам қадам ташлаб кетаётган бригадирни беихтиёр тўхтатиб қўйди. «Радио тингловчи ўртоқлар, — дерди диктор аёл, — ҳозир КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахтани харид қилиш ва топшириш нархларини ошириш тўғрисида ҳамда пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисида»ги қарорини ўқиб эшиттирамиз...»

Ҳаво опа сергакланди. «Наҳотки биз етиштирадиган пахтанинг харид нархлари оширилган бўлса?» деб ўз қулоқларига ишонинқирамади у. Бригадир мазкур воқеанинг тафсилотини билиб олмоқ истагида йўл-йўлакай колхоз идорасига кирди. Коридордан шошиб юриб кетаётган партком секретари Жиянбек ака уни кўрди-да, бирдан тўхтади.

— Салом ўртоқ бригадир, — деди у Ҳаво опа билан қўл беришиб кўришар экан, — янгиликни эшитдингизми?

— Радиодан бир учини эшитиб қолдиму, лекин яхши фаҳмлай олмадим. Нима, пахтанинг нархи ошибдими?

— Ҳа, ошганда қандоқ! Колхозлар сотадиган пахтанинг нархи ўртача 20 процентга оширилибди. Мана бу ерда ҳаммаси ёзилган, — Жиянбек ака бригадирга «Правда» газетасини берди.

**КОЛХОЗДА ПАХТАЧИЛИКДАН ОЛИНАЁТГАН ДАРОМАДНИНГ УСИШИ**

**(сўм ҳисобида)**




Ҳаво опа қарорни ажиб ҳиссиёт ичида шундай тез ўқиб чиқдики, тугаганини ўзи ҳам сезмай қолди. У ўз бригадаси аъзоларига бу хушхабарни тезроқ етказиш мақсадида бўлса керак, дала томонга тез-тез юриб кетди. Пайкалда иш аллақачон қизиб кетган эди. Бригадир «қани буёққа келингларчи, бир сизларнинг кўнглингизни кўтариб қўяй» деб пахтакорларни бир жойга йиғди.

— Гап бундай, — деди у ҳаяжонланиб, — партия ва ҳукуматимиз бизга яна бир катта ғамхўрлик қилибди. Биз етиштирадиган «оқ олтин»нинг нархи оширилибди.

— Ўҳў, жуда соз бўлибдику, — деб бехосдан кулиб юборди чопонининг икки барини белбоғига қистириб олган колхозчи Йўлчи ака, — хўш, бу йил оладиган даромадимизга қанча пул қўшиларкин?

Бригада табелчиси Қосимбек ака дарҳол қўлига қоғоз-қалам олиб, ўзича ниманарнидир хомчўт қила бошлади. Бироздан сўнг ёзув-чизувини тугатди-да, йиғилганларга гап қотди:

— Қани суюнчисини чўзаверинглар, қўшимча даромадимиз жуда катта бўларкан. Мана эшитинглар. **Биз бу йил пландаги 29 ўрнига 38 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганмиз, шундайми? Давлатга сотиладиган 361 тонна пахтамиз учун эски нарх бўйича 123 минг сўм пул олардик. Янги нарх бўйича оладиган пулимиз 148 минг сўмдан ортиқ бўларкан.**

— Демак, 25 минг сўм қўшимча даромад оларканмизда, — деди кимдир.

Бир зумда ҳамманинг чеҳрасига илиқ табассум югурди. Ҳамма қувонар, ҳамма жонажон партияга ва ҳукуматга мингдан-минг раҳматлар айтарди...

Шу куни фақат бу бригададагина эмас, колхознинг ҳамма бурчакларида байрамлардагидек шодиёна руҳ кезиб юрарди.

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

МАНА колхоз идораси. Қатор тизилган столлар ортида ўтирган кишиларнинг ҳаммаси ҳисоб-китоб қилиш билан банд. Уларнинг бири моҳирлик билан чақ-чуқ қилиб чўт қоқса, бири арифмометрнинг қулоғини ғижиллатиб бурар, яна бири ҳисоб-китоб дафтарларини варақларди. Ҳаммасининг ҳаёлида бир жумбоқ: «Пахтанинг янги нархларига биноан колхоз қанча қўшимча даромад кўради?». Бош бухгалтер Абдукарим ака Турғунбоев ҳам, экономист Узоқбой Қозоқбоев ҳам, бу ерда ўтирган бошқа кишилар ҳам ана шу жумбоқни тезроқ ечишга ошиқишмоқда.

— Бўлди, мен ҳаммасини ҳисоблаб чиқдим, — деди Абдукарим ака, — мана қулоқ солинглар: **қабул қилган мажбуриятимизга кўра 1090 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 3270 тонна пахта сотишимиз керак-а.** Хўш, тузилган шартномага кўра ана шу пахтанинг 70 процентини биринчи сортга, 10 процентини иккинчи сортга, 8 процентини учинчи сортга, 12 процентини тўртинчи сортга топширишимиз зарур. **Бу йил етиштирадиган пахтамизни ҳам эски нархлар билан сотадиган бўлсак 1 миллион 24 минг сўм даромад қилардик. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги туфайли ана шу пулга қўшимча равишда 234 минг 459 сўм пул оламиз.**

— Э, тўхтанг, Абдукарим ака, ахир бу кўрадиган даромадимизнинг ҳаммаси эмас-ку, — деди экономист Узоқбой ака, — колхозчиларимиз ялпи ҳосилнинг 85 процентини биринчи сортга, 8 процентини иккинчи сортга ва атиги 7 процентини учинчи-тўртинчи сортларга топширишга сўз беришгани ёдингиздан кўтарилдими дейман. Пахтанинг сорти юқори бўлди деган сўз — даромад юқори бўлди деган сўз-ку.

— Ҳа, тўғри айтдинг. Қани бир ҳисоблаб кўрчи, сортларнинг юқори бўлиши эвазига қанча қўшимча даромад келаркин.

Экономист буни бир пастда ҳисоблаб чиқди. Кейин у бош бухгалтерга яна 42 минг 510 сўм фойда олинишини айтди. **Шундан сўнг улар чўт қоқишни яна давом эттириб, бу йил колхозга пахтачиликдан келадиган жами қўшимча даромад 276 минг 969 сўм бўлишини аниқладилар.**

Ҳамма чақ-чақлашиб кулишиб ўтирган бир паллада бухгалтерия хонасига колхоз раиси Ниёзмат ака Нишонбоев кириб келди.

— Ҳа, йигитлар, қалай хурсандмисизлар энди, — деди у бош бухгалтернинг ёнига ўтираркан.

— Хурсанд бўлиш ҳам гапми. қувончимизни ичимизга сиғдиролмаяпмиз, — деди Абдукарим ака.

Раис қўлидаги газетанинг таги қизил қалам билан чизиб қўйилган сатрларига кўз югуртириб чиқди-да, кейин бухгалтердан «Уруғлик чигитга тўланадиган ҳақ ҳам анча оширилибди,, шундан биз қанча фойда кўрамиз» деб сўради.

— Биз етиштирадиган пахтанинг чигити иккинчи репродукциянинг биринчи классига киради-а. **Илгари ана шундай чигитли пахтанинг ҳар бир тоннаси учун 50 сўмдан пул олардик. Энди 60 сўм бўлибди. Бу йил белгиланган планга кўра 573 тонна иккинчи репродукцияли пахта сотишимиз керак. Шуни 60 сўмга зарп қилсак оладиган фойдамизнинг қанча бўлишини биламиз, қўямиз-да... Мана, зарп қилдим, 34 минг 380 сўм бўларкан. Бу — эски нархга нисбатан 5 минг 730 сўм кўп деган сўздир.**

— Жуда соз бўпти, — деб қўйди раис кулимсираб.

**Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 3270 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Жонажон партия ва ҳукуматимиз пахтанинг харид нархларини ошириб, деҳқонларга оталарча ғамхўрлик қилганликлари туфайли колхоз бу йил пахтачиликдан эски нархларга нисбатан 282 минг 689 сўм қўшимча даромад олади. Дастлабки хомчўтларга қараганда бу йил колхозчиларнинг ҳар меҳнат куни эвазига 2 сўм 41 тийиндан пул ва 4,5 килограммдан ғалла беради.**

Шу тобда экономист Узоқбой ака партия ва ҳукуматнинг газетада босилган қарорига кўз югуртириб ўтирарди. У қарорнинг мана бу жумласини раисга ўқиб берди: **«Капитал ишларнинг давлат планлари бўйича амалга оширилаётган сув хўжалиги объектларини қуришда ўз ҳиссалари билан қатнашишдан колхозлар 1964 йилдан бошлаб озод қилинади».**

— Бу нур устига аъло нур бўлибда-да, Ниёзмат ака, — деди экономист жумлани ўқиб бўлгач, — колхозимиз Тошкент денгизи қурилишига ҳар йили 4—5 минг сўмдан пул тўлаб келарди. Энди шу пул ёнимизга қолади.

Раис бухгалтериядагилардан агар бу йил колхоз мажбуриятини бажарса, янги қарорга биноан давлатдан 981 тонна ғалла олиши мумкин эканлигини билиб олди-да, сўнгра ўз кабинетига чиқиб кетди...

## ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

ОЙДИН кеча. Мовий осмон ўзининг сон-саноқсиз чироқларини ёққан. Кундузги илиқ шабаданинг ҳарорати ҳиёл пасайгани учунми, баҳор нашидаси яна ҳам тотлироқ бўлгандай туюларди. Колхоз раисининг кабинетида ҳали яқиндагина бошланган маслаҳат мажлиси вақт ўтгани сайин қизиб борарди. Кабинетда колхоз правлениеси ва партия бюросининг аъзолари, бухгалтерлар, бригадирлар ўтиришибди. Раис Ниёзмат ака қисқача нутқини мана бу сўзлар билан якунлади:

— Партия ва ҳукуматимиз биз қишлоқ меҳнаткашларига ҳар доим оталарча ғамхўрлик қилмоқда. Ўтган йили гўштнинг харид нархлари оширилгани ҳаммангизнинг эсингизда бўлса керак. **Хўжалигимиз ана шу ғамхўрлик туфайли чорвачиликдан қўшимча равишда салкам 20 минг сўм даромад қилди.** Бугун матбуотда эълон қилинган пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарор оталарча ғамхўрликнинг яна бир исботи бўлди. **Партиямиз мазкур қарор орқали шундай қулай имкониятлар туғдириб бердики, агар биз бу йил зиммамизга олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга эришсак, пахтани аъло сортларга топширсак, хўжалигимизнинг ҳамёнига қўшимча равишда 282 минг 689 сўм пул келиб тушади.**

Шундай экан, бутун кучимизни, бутун ақл-идрокимизни, ғайрат-шижоатимизни «оқ олтин» етиштиришни иложи борича кўпайтиришга сафарбар этишимиз зарур. Қани энди, кимда қандай фикрлар бор?

Агроном Йўлдош ака Умаров қўл кўтариб раисдан ижозат сўради-да, ўрнидан туриб гапира бошлади. Мана, унинг сўзлари: «Ҳозиргача қилган ишимиз чакки эмас. Чигит экишга тайёргарликни асосан тугалладик. 22 та экиш агрегати мавсумга шай бўлиб турибди. Далага ташиб чиқарилган гўнг барча майдонларга тақсимланганида гектар бошига 5 тоннадангa тўғри келади. Ерлар экишга пешма-пеш тайёрланаяпти. Шундай бўлса ҳам ишимизда кескин бурилиш ясашимиз зарур. Агар чигитни обитобида экиб олсак, ғўзани ҳар йилгидан ҳам яхшироқ парвариш қилсак, пахтанинг эрта пишиб етилишига эришсак марра бизники бўлади. Негаки, пахта эрта пишса унинг сорти юқори бўлади, сорти юқори бўлса ундан келадиган даромад ҳам юқори бўлади.

Хўш, пахтани эрта пишириш учун нималар қилишимиз керак? Ота-боболаримизнинг «бир кун бурун эксанг, ҳафта бурун йиғасан» деган доно гапи бор. Бу жуда ҳақ гап. Мен хомчўт қилиб кўрдим, агар мавжуд имкониятларимиздан тўла фойдалансак, чигитни узоғи билан саккиз кун деганда экиб бўларканмиз. Пахтанинг эрта пишишига бунинг таъсири катта бўлади. Бундан ташқари чигитни ернинг ўз намига барвақт ундириб олишда ҳам гап кўп. Қатор ораларига биринчи бор ишлов бериш пайтида мурғак ғўзаларни түйдириб озиқлантиришга бу йил айниқса жуда катта эътибор беришимиз зарур. Ана ўшанда ғўза бақувват бўлиб ўсади, тез ҳосилга киради ва пахтаси барвақт пишади. Суғориш ва культивация қилишни қулай агротехника муддатларида ўтказишни бу йил ўзимизга қонун қилиб оламиз. Гапнинг лўндасини айтганимда, партия ва ҳукуматимиз бизга оталарча ғамхўрлик қилибдими, биз ҳам шунга ғайрат-шижоатимизни, ҳимматимизни ошириш билан акс-садо қайтаришимиз керак».

Шундан кейин бу ерга йиғилганлар колхозчиларни моддий рағбатлантириш мавзуида бир-бирлари билан фикр олишдилар. Бу фикрлар умумлаштирилди ва мана бундай қарорга келинди: Дейлик, бригада пахтакорлари планни

**КОЛХОЗДА ҲАР БИР МЕҲНАТ КУНИ ЭВАЗИГА БЕРИЛАЁТГАН ПУЛ МИҚДОРИНИНГ ЎСИШИ**

**(сўм ҳисобида)**




ортиғи билан бажардилар. **Шундай тақдирда уларга пландан ташқари сотилган пахта қимматининг 30 процентидан 50 процентигача мукофот тариқасида берилади. Агар тракторчи ерни экишга тайёрлашда чинакамига ғайрат кўрсатиб ишласа унга 25 процент қўшимча меҳнат куни ёзилади. Бригадада гектарларнинг тўлиқ бўлишига эришилса, мўлжалдаги кўчат қалинлиги сақлаб қолинса, ғўза кўнгилдагидай парвариш қилинса бригада бошлиғи, механизатор ва колхозчиларга 10—15 процент миқдорида қўшимча меҳнат куни ёзилади.**

— Жонажон партиямиз деҳқонларнинг мўл ҳосил етиштириш йўлида ниҳоятда унумли ишлашлари учун шундай кенг йўл очиб бердики, асти қўйверасиз,—деди бухгалтер Абдукарим ака,— ўтган йили ҳар бир меҳнат кунига 1 сўм 89 тийиндан пул, бир ярим килограммдан ғалла берган эдик. **Дастлабки хомчўтларимизга қараганда бу йил колхозчиларимиз ҳар бир меҳнат кунлари эвазига 2 сўм 41 тийиндан пул, 4,5 килограммдан** ғалла оладилар.

Кўрилган масала ҳаммани беҳад қизиқтиргани учунми, «беш-олти оғиз гаплашиб оламиз» деб бошланган мажлис ярим тунга бориб тугади. Ҳамма чеҳра тўла табассум билан, кўнгил тўла қувонч билан уй-уйига тарқалди...

ЭРТАГА сулув баҳорнинг яна бир тонги отади. Шу тонгдан бошлаб колхозда 3270 тонна «оқ олтин» етиштириш учун кетаётган кураш авжига минади, шу тонгдан бошлаб пахтакор деҳқонлар енгни баландроқ шимариб, белни маҳкамроқ боғлаб ишга киришадилар, шу тонгдан бошлаб дала меҳнаткашлари севимли она-Ватанни, ғамхўрликлар соҳиби бўлган жонажон партияни, азиз халқни баракали хирмон билан шод этишга ошиқадилар...

**Ш. ШОРАҲМЕДОВ,**
**З. ҚУРТНЕЗИРОВ.**

**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**

Суратда: бригадир Ҳаво опа Дебердиева (ўртада) бригада аъзолари билан партия ва ҳукуматимиз қарори хусусида суҳбатлашмоқда.



